



IMPROVING THE ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF THE INTERNAL CONTROL SYSTEM IN THE AUDIT OF FINANCIAL STATEMENTS

Hajimuratov Nizomjon Shukurullaevich

PhD, Tashkent State University of Economics

Head of the Department of Financial Analysis and Auditing

Abstract

Much attention is paid to the effectiveness of the internal control system and risk assessment in improving auditing and improving the quality of audits. Risk management in audits has been considered by many economists, and each has focused on the problem of identifying and assessing risks in specific areas. According to some authors, The main types of risks inherent in the system of business processes can have a significant impact on the financial and economic activities of the organization, while others provide a description and description of the main types of business processes (financial, strategic, operational risks). audit risk, internal risk, control risk, uncertainty risk, selection risk, business risk.

Шунингдек, бошқарувнинг юқори даражадаги бухгалтерия ахборотлари қўллаб-куватлаш орқали ноаниқлик ва бизнесдаги рискларни минималлаштириш шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг амалга оширилиши қайд этилади, кредит рискини таҳлил қилиш усуллари қўриб чиқилади. Бир қатор муаллифлар фаолиятнинг айрим турлари учун молиявий рискни (масалан, лизинг берувчи учун ҳам, лизинг олувчи учун ҳам риск), ижарага бериш шартномаси бўйича суд арбитраж амалиётининг ноаниқлиги билан боғлиқ муаммоларни баҳолаш зарурлигини, қурилишни назорат қилиш пайтида рискларни тъкидлайдилар.

Аудиторлик текшируви давомида рискларни баҳолашда танлаб олиш рискини аниқлаш ва баҳолашнинг зарурати ва аҳамияти, фирибгарлик риски қайд этилган, йирик аудиторлик компанияларида рискга йўналтирилган аудитни режалаштиришнинг замонавий амалиёти ўрганилган.

Хозирги пайтда ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддасида қўйидагилар кўрсатилган: ички назорат



бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисботларни тузишида хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизимиdir. Бухгалтерия ҳисоби субъекти ички назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

Ички назорат - бу хўжалик юритувчи субъект қўйидагиларни таъминлайдиган етарли ишончни олишга қаратилган жараён ҳисобланади:

- а) ўз фаолияти самарадорлиги ва натижавийлиги, шу жумладан молиявий ва операцион қўрсаткичларга эришиш, активларнинг сақланиши;
- б) молиявий ва бошқа ҳисботларнинг ишончлилиги ҳамда ўз вақтида тақдим этилиши;
- в) амалдаги қонун хужжатларига риоя қилиш, шу жумладан хўжалик операциялари ва бухгалтерия ёзувларини юритишда.

Ички назоратнинг асосий элементлари шакллантирилган бўлиб, улар каториг қўйидагилар киради:

- а) назорат муҳити;
- б) рискларни баҳолаш;
- в) ички назорат амаллари;
- г) ахборот ва коммуникация;
- д) ички назоратни баҳолаш.

Ички назорат тизимини ташкил қилишда кўплаб замонавий компаниялар COSO моделидан фойдаланадилар, улар бир-бири билан боғланган беш таркибий қисмдан иборат: бошқарув муҳити, рискларни баҳолаш, назорат воситалари, ахборот ва коммуникация, мониторинг.

Хозирги вақтда ички назорат ва рискларни бошқариш масалалари халқаро миқёсда, шу жумладан мамлакатимизда катта эътиборга олинмоқда, чунки ички назорат тизими молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, шунингдек ички хўжалик захираларини аниқлаш ва жалб қилиш механизми, шунингдек хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолиятининг



ҳаққонийлиги кафолатларининг эгалари ва контрагентларига тақдим этилишини таъминлашга ёрдам беради.

Ички назорат зарурлигини тасдиқловчи меъёрий ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун ишчи ҳужжатлар мавжуд эмас.

Шу муносабат билан, биз томонимиздан хўжалик юритувчи субъектнинг ички назоратини ташкил этишни баҳолашга имкон берадиган бир қатор ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, биз таклиф қиласидаган «Назорат муҳити» элементини баҳолаш учун сўровнома шаклидаги ишчи ҳужжат 1-жадвалда келтирилган. Назорат муҳитини бошқариш элементини маҳсус тестлар ёрдамида баҳолаш учун ички назоратни режалаштириш босқичида ички назоратнинг бир қисми сифатида биз тавсия этган ишчи ҳужжатларни шакллантирган саволлар асосида назорат муҳитини ташкил этишга асосланган саволларни шакллантиради.

Ички аудитор ушбу кўрсаткичга қандай баҳо беришига қараб "Амалдаги баллар сони" қаторини тўлдиради. Максимал баҳолаш "Назорат муҳити" (НМ) элементи билан ички назоратни ташкил қилиш учун хавфли ноқулай шароитларга, яъни юқори рискка мос келади.

Амалдаги баллар суммаси қанчалик кичик бўлса, риск шунчалик паст бўлади. Агар МБ – максимал баллар сони, ХБ эса – амалдаги баллар сони бўлса, «Назорат муҳити» элементи бўйича ички назорат риски амалдаг баҳоси қўйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$НМ = \frac{ХБ}{МБ} * 100\%.$$

«Ички назорат самарадорлигини баҳолаш» элементини баҳолашга мос келадиган рискни қўйидаги формула бўйича топамиз:

$$ИНС = \frac{1}{4} * 100\% = 25,0\%.$$

Олинган қиймат иқтисодиёт субъектининг ички назорати учун етарли даражада самарали ва соддалаштирилган тизим мавжудлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, молиявий барқарорлик оширишга йўналтирилган ва бошқарув тизимларининг ишончлилиги ҳамда самарадорлиги тўғрисида мулкдорлар ва раҳбариятга



маълумот беришга йўналтирилган рискка асосланган ягона ички назорат тизимини шакллантириш мақсадини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, чинакам самарали назоратни таъминлаш учун иқтисодиёт субъектининг барча хўжалик операцияларини амалга ошириш устидан ички назоратда изчиллик ва даврийлик тамойилига риоя қилиш, шунингдек доимий мониторинг амалга ошириш зарур.